



ШАРЛОТТА БРОНТЕНИНГ ЎЗИГА ХОС ИҚТИДОРИ

Дарвишова Гулчехра Кенжабаевна,

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Annotation: The ability of creativity of Charlotte Bronte is outlined in this article. It is important to study the creative activity and literary world of each writer. Charlotte Bronte's literary world is also unique. Charlotte Bronte's works indicate that her works represent her reality and soul which undervalued in the society of her presence.

Key words: reality, literary world, ability, creative activity, professional career, inspiring environment, influence, factor.

Шарлотта Бронте – буюк инглиз реалистлар мактаби иштирокчиларидан бири ҳисобланиб, унинг асарлари ва ижоди миллий адабиёт тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатган. Бу таъсир нафақат XX аср адабий муҳити учун, балки ундан олдинги давр учун ҳам хос бўлғанлиги бугун ҳеч биримизга сир эмас. “Джейн Эйр” номли асарнинг муаллифи ўлимидан икки йил ўтиб Элизабет Гаскелл томонидан ёзилган “Шарлотта Бронтенинг ҳаёти” номли асарда Бронтенинг ҳаёти, аёллик турмуш тарзи ва унинг нечоғлик иқтидори, ижодидаги хусусиятлари, “Йоркширлик сеҳргар”нинг новаторлик ҳиссаси кабилар жуда катта эътироф этилган эди.

Энг асосийси, инглиз адабиёти анъаналарига ва бадиий дунёсига ўзига хос оригиналлик бағишлигар ёзувчи ҳақида жуда ижобий фикрлар тақдим қилган. Шунингдек, Шарлотта Бронтенинг кичик бир замондоши, Виктория даври адабиёти устунларидан бири ҳисобланган Э.Троллоп ҳам ўз ёзувчи замондошларининг эгаллаган мавқелари ва адабиётга қўшган ҳиссалари учун унга Теккерей, Дж.Элиот ва Диккенсдан сўнгти тўртинчи ўринни берганлиги ҳам аслида бежиз эмас эди. Зоро, ўз замонасининг энг ёрқин адабий намоёндаларидан бўлган Шарлотта Бронтенинг инглиз адабиётига қўшган ҳиссалари ниҳоятда юқорилиги билан ажralиб туради. Шу билан бир қаторда, Шарлотта Бронтенинг ёзувчилик, ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришга сабаб бўлган объектив сабабларни ўрганиш ва у бўйича маълум бир фикрларни баён қилиш мазкур мақоланинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ёзувчи бадиий оламини шакллантирадиган, унинг иқтидорини юзага келтирадиган омиллар турлича бўлиб, Англиянинг, хусусан айтганда Британиядаги XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб берган адабий жараён машхур ёзувчи Шарлотта Бронте ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар сифатида акс этган эди. Нафақат Шарлотта, балки унинг барча ижодкор опа-сингиллари ва укасининг



ижодкорлиги шаклланиши ва ривожланишида, уларнинг бадиий оламини шакллантиришда қўйидаги омиллар хизмат қилган:

1. Оила мухити;
2. Ижтимоий мухит
3. Иқтидор ва интилиш (шахсий омиллар).

Дастлабки омил, яъни оила мухити ҳақида гапирганда, алоҳида қайд этиш лозимки, отаси диний хизматчи, яъни викарей (епископ) бўлган бўлсада, Бронтелар оиласида дунёвий қарашлар ҳукмрон бўлганлиги, фарзандларига отаси томонидан диний эмас, балки дунёвийликка интилиш руҳияти сингдирилганлиги ҳам кўплаб адабиётшунослар, тарихчилар томонидан эътироф этилган. Шундай бўлсада, даврнинг мураккаблиги, замоннинг ўта бешафқатлиги, аристократиянинг трансформациялашув жараёнлари, феодализмга барҳам берилиши ва янги буржуазия вакилларининг вужудга келиши билан қийинчиликлар Шарлотта Бронте оиласининг аҳволини ҳам четлаб ўтмаган эди.

Умуман олганда, камбағал, оддийгина черков хизматчиси, асли Ирландиялик бўлган, шунингдек, кўпфарзандли ҳисобланган Патрик Бронте ва Мариялар оиласида 1816 йилнинг 21 апрелида дунёга келган Шарлотта оиласида учинчи фарзанд эди (улар жами олтига фарзанд бўлиб, — Мэри, Элизабет, Шарлотта, Патрик Бренуэлл, Эмили ва Энн).

Отасининг 1820 йилда Хоэртга (Уэст-Йоркшир, Англиядаги қишлоқ бўлиб, бугунги кунда айнан Шарлотта туғилганлиги билан шараф қозонган ва туристик марказга айланган қишлоқлардан бири) қўчиб ўтиши ва викарий (епископ) лавозимига тайинланиши билан ҳаётида нисбатан ўзгариш содир бўла бошлаган бўлсада, орадан бир йил ўтиб, онасининг саратон касаллигидан оламдан ўтиши оилани чуқур қайғуга солган эди. Онадан эрта етим қолган беш қиз ва бир ўғилнинг тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган ота, уларнинг ўкиши ва таълим олишига ўз имкониятидан келиб чиқсан ҳолда, алоҳида диққатини қаратган эди. Кўпчилик адабиётчилар Шарлотта Бронтенинг бадиий ижодга анча эрта кириб келишининг сабаби сифатида унинг ўз ҳаётини ўзгартириш, қашшоқликдан чиқишнинг йўлларини жадал ахтаришида ҳам бўлган дея таъкидлаганлар.

Таъкидланганидек, болалигига отасининг ўта ғамхўрлигини ҳис қилган ва керак бўлса, бундан етарлича таъсиrlанган, Бронтелар оиласи томонидан ёзилган барча асарларда ота-онанинг фарзандлар учун муҳаббати ва таъсири, тарбияси ва уларга тўғри йўлни кўрсатиши ва хоказо масалалар ўрин олган. Шарлотта Бронтенинг фикрича, оила жамиятнинг асосий қисми бўлиб, унинг фаровонлигига катта таъсири кўрсатади. Шарлотта Бронтенинг “Джейн Эйр” асари ҳам ўз даврининг руҳиятинигина эмас, балки оила мухитини, оиласининг муқаддас бир макон ва жамия эканлигини акс эттирганлиги билан аҳамиятлидир. Асарда бош қаҳрамон Джей Эйр ва холаси ўртасидаги



муносабатларни ўрганиб чиқадиган бўлсак, шунга амин бўламизки, етим фарзандларнинг қабул қилган ота-оанлари ва қариндошлари билан алоқалари жуда муҳимдир. Шунингдек, оила муҳитида олинган билим, олинган таълимтарбия болалар келажагини белгилаб берадиган ва уларга кенг таъсир кўрсатадиган омил дея баҳолаш мумкин.

Ш.Бронте талантли оиласдан чиққанлиги, оила бошлиғи ота томонидан барча фарзандларнинг ўқишига алоҳида эътибор қаратилганлиги ўз натижасини узоқ куттирмаган эди. Чунки, Шарлоттанинг отаси ҳам ёшлигига шеърлар ижод қилган ва бу оиласга ўз таъсирини кўрсатганлиги кўплаб адабиётчилар томонидан эътироф этилган.

Оиланинг ҳаётини ҳақиқий фожиага ўхшатиш мумкин. Чунки, ўша даврда Британия қанчалик бой ва тараққиёт сари тобора илгарилаб бораётганлигига қарамасдан, бундай талантли ёзувчилар, шоир ва рассомлар етарлича қадр топмаган эди. Ўзлари ҳисобидан шеърий тўпламлар чоп қилган ва уларни сотиш борасида ҳам кўплаб қийинчиликларга дуч келган эди. Бироқ, уларнинг қобилиятли ва талантли эканликларига қарамасдан, ҳаёти ниҳоятда оғир кечар эди. Биз юқорида келтириб ўтганимиздек, гарчи отаси черков хизматчиси бўлишига қарамасдан, оиласда кўпинча дунёвий сұхбатлар, қарашлар хукмронлик қилганлиги, отаси фарзандларининг доимо салоҳиятли бўлиб етишишлари билан бир қаторда, дунёвий ижод билан шуғулланишларини хоҳлаганлиги, уларга кенг йўл очиб берганлиги ва бу йўлда доимо рағбатлантириб келганлиги туфайли ҳам бутун оиласда адабиётга хавас, ижодга интилиш кучли бўлган дея эътироф этишга тўла ҳақлимиш.

Умуман олганда, опа сингил Бронтеларнинг ижод намуналарининг ўз даври учун оммалашуви ёки жаҳон адабиётига, маданиятига жадал кириб келиши нафақат уларда аёллар мавзусининг долзарблашуви билан, балки бундай турдаги жаҳон адабиёти жараёнларининг, яъни “хотин-қизлар адабиёти”нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан ҳам боғлиқлигини эътироф этиш лозим. Опа-сингилларнинг асарлари эса нафақат оила, балки замон руҳидан илхом олганлиги, ўша даврдаги хотин-қизлар мавзусининг тобора оммалашуви билан боғланган муаммоларнинг нечоғли долзарблигини ўзида акс эттирганлиги билан ҳам эътиборли эди дейишимиз мумкин. Энг асосийси, асарларнинг деярли барчасида аёл қаҳрамон образи жуда чиройли ва моҳирона тарзда бадиий тасвиrlанганлигини кўришимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Lancer, Susan Snider. "Jane Eyre's Legacy: Fictions of Authority: Women Writers and Narrative Voice. Ithaca, NY: Cornell UP, 1992. 176-193.
2. Roberts, T. Charlotte Bronte's Jane Eyre. Australia: Insight Publications USA: Greenwood Press. 2011



3. Abrams. M.H. English romantic poets. - New York: Oxford univ. press, 1960. - VIII. 394 p.
 4. Кулешов В.И. Литературные связи России и Западной Европы в XIX веке. М., 1976. С. 89.
 5. Umarova F. The student's personal development as a key to sustainable development //Lifelong Learning: Continuous Education for Sustainable Development: proc. of Int. coop./arr. NA Lobanov; sci. ed. NA Lobanov, VN Skvortsov; LSU na AS Pushkin, Res. Inst. Soc.-Econ. and Ped. Probl. of Lifelong Learn.—SPb.: LSU na AS Pushkin, 2011.—Vol. 9.—656 p. – 2011. – С. 564.
 6. Дарвишова, Г. К., & МАХОРАТ, Ш. Б. А. Б. ORIENSS. 2022.№ Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-asarlarida-badiiy-maorat> (дата обращения: 10.10. 2023).
 7. qizi Ikanova, L. S. (2020). IMPROVING LISTENING SKILLS THROUGH ICT. Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology, 2(11), 334-338.
 8. Раджабов, Н. Н., & КҮРИНИШЛАРИ, Ў. ORIENSS. 2022.№ Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbek-tilida-unli-fonemalarning-pozitsion-k-rinishlari> (дата обращения: 10.10. 2023).
 9. Дарвишова, Г. К., & МАХОРАТ, Ш. Б. А. Б. ORIENSS. 2022.№ Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-asarlarida-badiiy-maorat> (дата обращения: 10.10. 2023).
 10. Kenjabayevna, D. G. (2023). DESCRIPTION OF GENDER ISSUES IN THE NOVELS OF CHARLOTTE BRONTE. TADQIQOTLAR, 26(1), 18-21.
 11. Дарвишова, Г. К. (2021). THE ISSUES OF WOMEN AND SOCIETY IN THE NOVELS OF CHARLOTTE BRONTE. МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА, 4(4).
6. <http://www.wwnorton.com/college/english/nael/victorian>
7. <https://www.history.ac.uk/ihr/Focus/Victorians/article.html>